

ФОНЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

Алпанова Ширин Ҳакимовна
Андижон давлат университети

Мақолада фонетик воситаларнинг услубий имкониятлари ҳақида фикр юритилади. Бадиий матнлар фоносемантик таҳлил этилади.

Калит сўзлар: фоностилистика, товуш, маъно, руҳият, назм, наср.

В статье речь идёт о стилистических возможностях фонетических средств. Анализируются художественные тексты с фоносемантической точки зрения.

Ключевые слова: фоностилистика, звук, смысл, психика, поэзия, проза.

The article gives the information about the stylistic possibilities of phonetic means. Artistic text an analysed from the phonosemantic view.

Key words: phonostylistics, sound, meaning, psyche, poetry, prose.

Фонетик воситаларда ифодаланадиган услубий бўёқ тилнинг турли сатҳлари билан бевосита алоқадорликда рўёбга чиқади. Нутқ товушлари, уларнинг вариантлари, урғу, бўғин, тон, тембр каби фонетик воситаларда услубий имкониятлар жуда кенг. Фонетик воситалардаги мавҳумлик уларнинг кўп маънолилигини таъминлайди ва исталган вазиятда қўллана олиши билан ҳам характерланади. Сўзловчи ҳар гал сўз ва конструкцияларни янгича талқин этаверади. Фоносемантика шакл ва мазмуннинг ўзаро мутаносиблик даражасини ўрганади. Товуш ва мазмун мутаносиблиги сўзнинг услубий бўёқдорлигига таъсир кўрсатади. Сўзнинг фоносемантик таҳлилида юқорида зикр этилган фонетик воситаларнинг маъно ифодалашдаги роли яққол намоён бўлади.

“Дафъатан ёмғир ёғар, тинар дафъатан.

Дафъатан ер йиқилиб тушса-ю,

Наҳот шу қадар душман - **дафъатан** сўзи.

Товушларнинг рангига қаранг,

Қаранг тез рангларнинг товушига,

Бу шўрлик ой ҳам шоирми дейман.” [2.122]

Шеър шу қадар гўзалки, ҳатто фикр билдириш ҳам ортиқчага ўхшайди.

Рауф Парфидан орттириб бир нима демасак-да, тадқиқот нуқтаи назаридан шоирнинг руҳиятига киришга ҳаракат қиламиз. Бу шеър ижод тўғрисида билдирилган фикрларнинг ҳақлигини исботлайди. Яъни туғма истейдод эгалари ижод жараёнида –руҳият билан моддият уйғунлашаётганда

наинки фикр, ғоя, наинки сўз, ҳатто товушларнинг ҳам жарангини эшитиб, рангини кўриб. иссиқ ёки совуқлигини ҳис қилиб турадилар. Ҳақиқатан ҳам, товушларни ҳис қилиш, уларнинг ранг-баранглигини кўра олиш қобилияти ижодкор аҳлида яққол намоён бўлади.

Юқоридаги мисраларга қайтадиган бўлсак, ҳаётнинг аччиқ, аёвсиз синовларига айбдор саналган **дафъатан** сўзининг беайблиги ойдинлашади. Д ва **Ф, Т** товушларидаги жиддият, қаттиқлик, совуқлик, кулранглилик инсон руҳиятига олиб кираётган изтиробли кечинмаларни қаторлашиб келган учта **А** товуши ҳам юмшата олмаган. Аксинча, ўзи ҳам улар таъсирида қўполлашиб, рангсизланиб қолган. Гўё бу товушлар уни маҳкам исканжага олмаганларида аллақачон бу сўзни тарк этадигандай тасаввур уйғотади. Бу бизнинг субъектив фикримиз. Шоир айнан шундай ўйлаган деган фикрдан йироқмиз. Бироқ шоир томонидан яратилган матннинг субъектив қабули мана шундай фикрларнинг туғилишига сабаб бўляпти ва мана шу хил қабулга асос бўлган фонетик факторлар ҳам юқорида кўрсатиб ўтганимиз товушларга асосланган. Субъектив фактор анча тарқоқ деб таърифланса-да, муайян лингвистик факторларнинг субъектив таъсири анча стабил бўлиб, юқоридаги шеърини парчани ўқиганда хилма-хил субъектив қабулловлар юзага келиши мумкин, бироқ улар бир хил субъектив баҳонинг турли оттенкалари бўлиб, кичик туслари билан фарқланувчи ягона гуруҳга бирлашади. Бу шеърни ўқиганда кутилмаган ҳодисаларга нисбатан нафрат (ёки кўрқув, ёки ёқтирмаслик, ёки кесатик) шаклланиши мумкин, аммо муҳаббат, меҳр, соғинч шаклланмайди.

Юқорида қайд этилган туйғулар онг орқали англаниб, унга мос товушлар танланади. Қайси товушга қандай маъно юклаш эса ижодкорнинг воқеликни онг ва қалб призмасидан қай тарзда ўтказишига боғлиқ.

Масалан, Шавкат Раҳмон куз манзарасини чизишда “у” унлисидан ўринли фойдаланган ва “у” нинг уч маротаба узайтирилиши дарахтларнинг “ув тортиб” барглари билан видолашишини, изғиринни, маҳзунликни ва сарик рангни ифодалаган бўлса, Улуғбек Ҳамдамда “у” товуши ёшлик, яшариш, шижоат, шиддат ва қизил, пушти ёки оқ ранглари тақдим этади.

Шеърларни ёнма-ён кузатиш анча қулайлик туғдиради.

Ғичирлайди безовта чинор

Менинг ҳур кўнглимда

Огоҳ этиб шовиллайди: **ку-у-уз.**

гуллаган орзулар каби

Аммо учта **сап-сарик** илон

куртаклари **гу-у-ур** гул.

Оғочларга ўрларди, **афсус. [3.71]**

Илдизлари заминнинг бағрида

Со-о-би-ит бут

Дарахтга ўхшагим келади. [4.168]

Биринчи шеърда қуйидаги учта товуш етакчилик қилади ва мусиқийликни

таъминлайди: 1. У. 2. С 3. З.
Иккинчи шеърда эса : 1. У. 2. Р. 3.Г. 4.Л.

Биринчи шеърдаги товушлар ифодалаган маънолар:

- 1-сема. Куз.
- 2-сема. Хазонрезги.
- 3-сема. Сарик барглар.
- 4-сема. Умидсизлик.
- 5-сема. Маъюслик.
- 6-сема. Маҳзунлик.
- 7-сема. Ачиниш.
- 8-сема. Афсус, надомат.
- 9-сема. Изғирин.
- 10-сема. Якун-Интиҳо.

Иккинчи шеърдаги товушлар ифодалаган маънолар эса аксинча:

- 1-сема. Баҳор
- 2-сема. Уйғониш
- 3-сема. Ёшлик
- 4-сема. Яшаш, яшариш
- 5-сема. Орзу-умид
- 6-сема. Шодлик.
- 7-сема. Севинч, шижоат
- 8-сема. Шиддат
- 9-сема. Ўзига ишонч
- 10-сема. Бошланиш-Ибтидо.

«Социофонетика нутқ фаолиятига ижтимоий омилларнинг таъсирини, ҳар хил ижтимоий гуруҳларнинг талаффузини ўрганувчи усуллари билан ижтимоий лингвистиканинг бир тармоғи ҳисобланади. Тилшуносликнинг кўпгина йўналиш ва акустик хусусиятлари жамиятнинг, жамиятнинг ижтимоий табақалари орасидаги талаффуз меъёрлари, кишининг ҳар хил руҳий ҳиссиётларини уйғотиш .нутқ ва музиканинг боғланиши каби масалаларни ўз ичига олади.»¹

Ўзбек тилшунослигида фонетик воситаларнинг услубий вазифаси ва улардан нутқнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида фойдаланишнинг яхши самара бериши ҳақида дастлаб А.Ғуломов фикр билдирган.Олим унли ва ундош товушларнинг чўзилиши натижасида фоностилистик хусусиятлар пайдо бўлишини таъкидлайди.[1.259]

«Момикдек ястаниб ётган қор шу қадар гўзал ,бунинг устига ҳали тегинилмаган эдики,Юсуф «босайми-босмайми?» деб ўзига –ўзи савол берарди.Ниҳоят ғарч-ғурч босиб юриб кетди .Бироздан сўнг бурилиб орқасига қаради ва янги изни –янги йўлни кўрди.Олдинда эса –ҳали из тушмаган қор! Унинг завқи ошганидан энди чопмоққа бошлади. Бир пайт ўртоғи Содиқнинг уйи ёнига келиб қолганини билиб,чақира кетди.

-Со-диқ,Со-оо-д-и-и-и-қ!..

Кўча томонга қараган деразадан Турғун хола мўралади.

-Нима дейсан? Азонлаб нима бор ? Содиқжон ухляти...»³

Юсуф катталар оламида йўқотган мувозанатини кадрдон қишлоқдан ,яқинларидан, болалигидан топмоқчи бўлиб,қишлоққа қайтди. Болаликда бой эдими, ҳамма нарса тўкин эдими? Йўқ. Ёлғиз отаси ҳалол меҳнат эвазига уларни ўстирди,ўқитди. Аммо улар ўша юпун ҳолида жуда бахтли эдилар.Кўнгиллари тўқ эди,руҳиятлари бой эди. Шундан хотиржам эдилар. Исталган нарса унинг бахтиёрлигига сабаб бўлаверарди.Ҳаттоки,оддийгина

қор ҳам. Бу қувонч, бу шодликни дўсти билан баҳам кўрмоқчи бўлган Юсуф кўчага отилган эди.

Со-диқ,Со-оо-д-и-и-и-қ! Унлиларнинг чўзилиши натижасида Юсуфнинг руҳиятидаги қуйидаги фикрларни уқиш мумкин. Наҳотки шундай гўзалликни кўриб уйда ўтириш мумкин бўлса? Йўғ-е, у ҳам тайёр бўлиб мени пойлаётгандир.Бунақа пайтда аҳмоқларгина бурканиб ухлаши мумкин. Чиқсангчи .Кўрсангчи.Мен йўл очдим, янги йўл..Энди одамлар менинг изимдан юрадилар.Ўша пайт “О” товушлари Юсуфнинг орзулари қадар осмон бўлса, “И” товушлари Юсуфнинг янги солган излари қадар узун эди. Афсуски Содиқда бу юксак туйғулар йўқ эди.

Ўткир Ҳошимов эса айни унли товушлар воситасида қаҳрамонининг руҳий изтиробларини очиб беради. “ Кейин букланиб ётган одамдан уч қадам бериюкда тўхтади-ю, бирдан чўккалаб қолди. Бир лаҳза кўзлари олайиб тикилиб турди-да, кўксидан шамол ғувурини ҳам, ўз вужудини ҳам ларзага солувчи бир нидо отилиб чиқди:- **Ойи- и-и!**.”¹

Шоикром бир ҳовуч қулпнай учун билмасдан ўлдириб қўйган онасини кўмиб келаётиб, урушнинг тугаганлиги ҳақидаги хабарни эшитди.У ўғрини ушлаш учун қулпнай орасига қўйилган электр симини ушлаганча ўлиб ётган онасини кўргач, кучли оғриқ, алам билан дод солади: **Ойи-и-и.** Шу билан йиллар бўйи юрагида қатланиб ётган изтиробларни ошкор қилади. Наҳотки мен ўз онамни ўлдириб қўйдим. Муҳтожлик, йўқчилик ,камбағалликнинг бети

курсин. Умрида оғир меҳнатдан бошқасини кўрмаган онамга қайтарган яхшилигим шу бўлдим! Агар уруш бўлмаганида... Агар сигиримни ўғирлаб кетишмаганида... Агар хотиним тинмай минғирлайвермаганида... Агар жўжабирдай жон бўлмаганимда... Агар... Буни узоқ давом эттириш мумкин. Ҳалол меҳнат қилиб оила боқолмаган, ўлаётган укасига ёрдам бераолмаётган, онаси, укаси, хотини, болалари, ҳовли-жойининг хавфсизлигини таъминлай олмаётган эркакнинг руҳиятидаги аламли, армонли, изтиробли ноласи биргина И унлисини чўзиш орқали ишонарли ифодаланган.

Адабиётлар:

1. Ғуломов А. ва б. Ўзбек тили дарслиги. 9-синф учун. Т., 1986.
2. Рауф Парфи. Сўнгги видо. Т., 2006.
3. Шавкат Раҳмон. Сайланма. Т., 1997.
4. Улуғбек Ҳамдам. Атиргул. Т., 2005.